

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

569 Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қим-
матли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхати-
дан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кири-
тиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузури-
даги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли буйруғи
(рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) билан тасдиқланган Қим-
матли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишла-
рини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш
ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 5 октябрь,
2015-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази бош
директорининг 2015 йил 5 октябрдаги
2015-17-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддиманинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмиссиявий қимматли қоғозларни (бундан буён матнда қимматли қоғозлар деб юритилади) чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.»

2. 1-бандда:

олтинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**корпоратив облигациялар** — акциядорлик жамиятлари ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, тижорат банклари томонидан чиқариладиган облигациялар;

корпоратив ва инфратузилма облигациялари (бундан буён матнда облигациялар деб юритилади) муомала муддатларининг тугаши тўғрисидаги билдиришнома — облигацияларни сўндириш мақсадида уларни қайтариб сотиб олиш натижалари тўғрисидаги эмитентнинг ҳисоботи;»;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар тегишинча ўн тўртинчи — йигирма учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн бешинчи хатбошидан «депозитарийларда» деган сўз чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи хатбошидан «битимлар тузиш орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«**инфратузилма облигациялари** — ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва бошқа инфратузилмани барпо этиш ва (ёки) реконструкция қилишни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб этиш мақсадида хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан чиқариладиган облигациялар;».

3. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Эмитент қўшимча акцияларни жойлаштиришни обуна ёки айирбошлаш орқали амалга оширишга ҳақлидир.

Эмитент томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қим-

матли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очиқ ёки ёпиқ обуна) эмитент уставида белгилаб қўйилади, эмитент уставида бу хусусда кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Эмитентнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қароридан эмитентнинг акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини жойлаштириш усули тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, жойлаштириш фақат очиқ обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

Акцияларнинг очиқ обунаси қимматли қоғозларнинг уюшган савдосидагина ўтказилади.».

4. 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «капиталини капитализация қилиш ҳисобига» деган сўзлар «капитали ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5. 14-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш эмитентнинг жалб қилинган инвестициялари, ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.»;

иккинчи хатбошисидаги «капиталини капиталлаштириш ҳисобига» деган сўзлар «капитали ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 15, 28, 45 ва 90-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. 16-банддаги «сўндириш» деган сўз «бекор қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 22-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Корпоратив облигациялар қўйидаги шартларга риоя этган ҳолда:

а) эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги, аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган ўз капитали миқдори доирасида;

б) кейинги уч йилда рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган эмитентлар томонидан;

в) инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўлалиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқарилади.».

9. Қўйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Инфратузилма облигациялари қўйидаги шартларга риоя этган ҳолда: эмитентнинг бундай облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги, аудиторлик ташкилоти хулосаси билан тасдиқланган ўз капитали ва чиқарилиш бўйича қўшимча таъминот миқдори доирасида;

инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан олинган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан назарда тутилган лойиҳани молиялаштириш учун фойдаланилса;

инфратузилма облигациялари бўйича эмитентнинг мажбуриятлари улар

тўлиқ муомаладан чиқарилгунига қадар белгиланган тартибда суғурталанган бўлса, чиқарилади.

Давлат корхоналари инфратузилма облигацияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқаради.

Инфратузилма облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар алоҳида банк ҳисобварағида жамланади ва эмитентнинг улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилувчи кузатув кенгаши ёки юқори бошқарув органи қарорига кўра сарфланади.»

10. 23-банддаги «очиқ акциядорлик жамиятини ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тижорат банкини» деган сўзлар «эмитентни» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 24-банд «(бекор қилинмаган) барча» деган сўзлардан кейин «корпоратив» деган сўз билан тўлдирилсин.

12. 26-банддаги «зарарларни қоплаш учун» деган сўзлардан кейин «корпоратив» деган сўз билан тўлдирилсин.

13. 27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Облигациялар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади.»

14. 31-бандда:

«б» кичик банд «(қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«в» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. 39-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот мажбурий тарзда жалб этилган тақдирда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор унда кўрсатилган мол-мулкнинг баҳолаш қиймати тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаган ҳолда баҳоловчи ташкилот томонидан ҳам имзоланиши шарт.»

16. 40-банднинг саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

17. 42-банддаги «акция тўлови ҳисобига киритиладиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

18. 43-бандда:

«в» ва «н» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«е» кичик банди «(қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«ж» — «и» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек санок комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, агар мазкур қарор кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган бўлса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;

з) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баён-

номасидан кўчирма, шунингдек санок комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;

и) рисола тасдиқланганлигини тасдиқловчи акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек санок комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомадан кўчирма, кузатув кенгаши томонидан рисола тасдиқланган тақдирда эса — овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифлари кўрсатилган йиғилиш баённомаси нусхаси ёки баённомасидан кўчирма;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агарда ушбу банднинг «ж» — «и» кичик бандларида кўрсатилган қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинган бўлса, тегишли акциядор қарорининг нусхаси тақдим этилади.».

19. 44-бандда:

«г» кичик банди «(корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«е» кичик банди «мавжуд хужжат нусхаси» деган сўзларидан кейин «(корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

20. 48 банддаги «банклар эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида акцияларни бирламчи чиқариш тўғрисидаги қарор келишилган кундан бошлаб» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

21. 49 банддаги «банклар эса — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қимматли қоғозларни чиқариш қарори келишилган кундан бошлаб» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

22. Рус тили матнидаги 57-банднинг «а» кичик бандидаги «созданных» деган сўз «созданными» деган сўз билан алмаштирилсин.

23. 60-банднинг «б» ва «в» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

24. XI-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. 68-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«68. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини ва (ёки) илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасида белгиланган миқдорда ва тартибда ундирилади.».

26. 73-бандда:

«а» ва «б» кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) акциядорлик жамиятларининг акциядорларига қимматли қоғозларни белгиланган тартибда уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқини бериш;»;

б) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан қимматли қоғозларни олишга қонун ҳужжатларида ва (ёки) эмитент уставда чекловлар мавжуд бўлиши;»;

«в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

27. 74-банднинг «б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) эмитентнинг устав капитали ўз капитали ҳисобидан тўланадиган қўшимча акциялар чиқарилиши орқали оширилганда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш. Бунда, акцияларни эмитентнинг акциядорлари ўртасида жойлаштириш эмитент олий бошқарув органининг ўз капиталини устав капиталига йўналтириш тўғрисидаги қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда амалга оширилади. Акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда кўрсатилган кундаги реестр маълумотлари бўйича амалга оширилади;».

28. 79-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

29. 80-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Ушбу талаб қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишига татбиқ этилмайди.».

30. 81-банднинг иккинчи хатбошисидан «кузатув кенгаши раиси, шунингдек,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

31. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Ҳужжатсиз шаклдаги қимматли қоғозлар ушбу қимматли қоғозлар жойлаштирилиши муддати ичида уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан ва улар олувчиларнинг депо ҳисобварақларига ўтказилганидан кейин жойлаштирилган ҳисобланади.

Жойлаштирилмаган қимматли қоғозлар бекор қилиниши лозим.».

32. 85-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«85. Қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати давомида қимматли қоғозларни чиқариш натижалари бўйича билдиришнома тақдим этилишига қадар қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ва рисолага ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш фақат қуйидаги ҳолатларда эмитентнинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади:

а) эмитентнинг фирма номи ўзгарганда, шу жумладан кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига;

б) эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда;

в) акцияларни жойлаштириш муддатининг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар доирасида узайтирилганда;

г) агар бундай ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчаларни киритиш Ҳукумат қарорлари сабабли амалга оширилса.».

33. Қуйидаги мазмундаги 85¹-банд билан тўлдирилсин:

«85¹. Қимматли қоғозларни чиқариш натижалари бўйича билдиришнома топширилгандан кейин қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш фақат қуйидаги ҳолатларда эмитентнинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади:

а) эмитентнинг фирма номи ўзгарганда, шу жумладан кирилл ҳарфларидан лотин ҳарфларига;
б) тўлиқ жойлаштирилмаганда;
в) эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда;
г) жамият устав капиталини камайтириш мақсадида акциялар умумий сони қисқартирилганда.».

34. 91-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91. Аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлигини тасдиқловчи акциядорлар умумий йиғилиши баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, шунингдек саноқ комиссияси томонидан тузилган кворум ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома нусхаси ёки баённомадан кўчирма, аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан қабул қилган тақдирда эса — йиғилиш баённома нусхаси ёки баённомасидан кўчирма, овоз беришда иштирок этган кузатув кенгаши аъзоларининг фамилияси, исми, шарифи кўрсатилган ҳолда;

б) мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда тузилган аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза;

в) мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқаришларига киритилган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчаларнинг матни, шунингдек мазкур Қоидаларнинг 85-бандида назарда тутилган ҳолатларда рисолага киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матни, мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ шаклда уч нусхада;

г) ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати, банкнинг тўлов ўтказилганлиги тўғрисида белгиси билан;

д) мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатига олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

Ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинган бўлса, тегишли акциядор қарорининг нусхаси тақдим этилади.».

35. 92-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

36. 94-банднинг «б» кичик банддаги «чиқаришни (қўшимча чиқаришни) тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган қонун бузишларини эмитент томонидан бартараф этилмаган ёки чиқариш (қўшимча чиқариш) тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда ушбу чиқаришдаги қимматли қоғозларнинг 60 фоизидан кам қисмини жойлаштирилган тақдирда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

37. 102-бандда:

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошиси, «б» кичик банднинг бешинчи хатбошиси ва «г» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «хизмат кўрсатувчи депозитарий томонидан берилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«д» кичик банднинг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

38. 108-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўрсатилган муддат ичида қайта муружаат этилган тақдирда, янгитдан тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлардан ташқари янги асосларга кўра эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.».

39. 1-1а-иловалар ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

40. 2-иловада:

«ҚОНУНИ 58-МОДДАСИГА» деган сўзлар «ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

29-банднинг учинчи хатбошиси иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

33-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.»;

изоҳлар чиқариб ташлансин.

41. 2а-иловада:

«ҚОНУНИ 58-МОДДАСИГА» деган сўзлар «ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34-банднинг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

34-банднинг иккинчи хатбошиси биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

37-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: _____.».

42. 2б-иловада:

«ҚОНУНИ 58-МОДДАСИГА» деган сўзлар «ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32-банднинг «д» кичик бандидаги «жамиятнинг» деган сўз «эмитентнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

37-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

37-банднинг учинчи хатбошиси иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачи-

сининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.»;

изоҳлар чиқариб ташлансин.

43. 2в-иловада:

«ҚОНУНИ 58-МОДДАСИГА» деган сўзлар «ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21-банддаги «депозитарийга» деган сўз «инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

30-банднинг учинчи хатбошиси иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони.»;

изоҳлар чиқариб ташлансин.

44. 9 ва 10-иловалардаги «КЕЛИШИЛГАН»* Ўзбекистон Республикаси Марказий банки _____ (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.Ш., имзо) «___» _____ 20__ й. М.Ж.» ҳамда «* Тижорат банклари учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

45. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2015 йил 6 октябрь

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 5 октябрь

Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш коидаларига киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларга
ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш коидаларига
1-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

(эмитентнинг номи)

(жамият кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахсининг Ф.И.О. ва имзоси)

(сана) _____ -СОН

(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

(рўйхатдан ўтказувчи орган ваколатли шахсининг лавозими, Ф.И.О., имзо)

(сана) _____ -СОН

М.Ў.

М.Ў.

«ТАСДИҚЛАНГАН»*

(баҳоловчи ташкилот номи)

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О., имзо)

(сана)
М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ (ҚЎШИМЧА, ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ) ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:																			
--------------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши _____ чиқарилишидир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)



Тасдиқланган _____
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

«___» _____ 20__ й. ___-сон Баённома,
«___» _____ 20__ й. ___-сон Баённома _____

_____ асосида
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: _____

Эмитентнинг раҳбари: _____
(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: _____
(Ф.И.О., имзо)

Мухр

Сана

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: _____

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси _____

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси:

(Мухр)

(Сана)

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): _____

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: _____

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): _____

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): _____

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): _____

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: _____

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уста-
видаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): _____

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимлан-
ган ҳолда кўрсатилади): _____

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўриниш-
лари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): _____

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна): _____

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар дои-
раси ҳам кўрсатилади).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазибалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиригиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция во-ситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: _____

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: _____

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: _____

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: _____

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган саноиси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: _____

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: _____

13. Бошқа маълумотлар.

* Баҳоловчи ташикилот мажбурий тарзда жалб этилган холлар учун.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: _____

Эмитентнинг раҳбари: _____
(Ф.И.О., имзо)

Бош бухгалтер: _____
(Ф.И.О., имзо)

Мухр

Сана

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: _____

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси _____

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси:

_____ (мухр)

_____ (сана)

1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва хоказо): _____

2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли: _____

3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): _____

4. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): _____

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): _____

6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари: _____

7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан жамият уставдаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: _____

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): _____

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): _____

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): _____

11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): _____

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади.).

11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати: _____

(Кўрсатилади: облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки облигацияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар облигацияларни жойлаштириш муддати облигацияларни чиқарилиши тўғри-

сидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.).

11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг тартиби: _____

(Кўрсатилади: облигациялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан облигацияларни жойлаштириш эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агар эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган облигацияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: _____

11.5. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: _____

(Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби;

облигацияларни овоз берувчи акцияларга айирбошлаш тартиби.).

11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: _____

(Облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби: _____

(Облигацияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, Облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Облигациялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда облигациялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи; баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган саноци ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: _____

12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:

_____ (Кўрсатилади: таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи; таъминот тури; пул кўринишидаги таъминот миқдори.).

13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари: _____

14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари.

14.1. Облигацияларни сўндириш шакли (пул воситалари, мол-мулк, айирбошлаш ва ҳоказо): _____

14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари: _____

(Сўндириш муддати облигациялар чиқарилишининг жойлаштирилиши бошланган пайдан бошлаб белгиланади ва қуйидагича белгиланиши мумкин:

календарь сана билан (ушбу календарь санани белгилаш тартиби билан);

муайян давр билан (ушбу муайян даврни белгилаш тартиби билан).)

14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби): _____

14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда: _____

14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби: _____

15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: _____

* Облигациялар учинчи шахснинг таъминоти остида чиқарилган тақдирда.

** Баҳоловчи ташкилот мажбурий тарзда жалб этилган ҳоллар учун.».